



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 - yil 28 - dekabr

224-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

Самарқанд тумани “Янгиариқ-2” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган ёпиқ турдаги велотрек спорт иншооти қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6243-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 543-сонли қарори талабларига мувофиқ Самарқанд тумани “Янгиариқ-2” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган ёпиқ турдаги велотрек мажмуаси қурилишини ташкил этиш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Самарқанд тумани “Янгиариқ-2” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган ёпиқ турдаги велотрек спорт иншооти қурилиши учун Спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабига кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 5,0 гектар ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратилсин.

2. Вилоят Туризм ва спорт бош бошқармаси (Ш.Рўзиев), Спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт

мактаби (А.Хошимов):

мазкур объектни лойихаолди шаҳарсозлик хужжатларини ўз муддатида ишлаб чиқиб, тасдиқланишини;

экспертиза хулосаларини олиш ва тендер савдоларини ўтказилишини таъминласин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Б.Умаров) вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК Самарқанд филиали (Ғ.Бекбоев) билан биргаликда ажратилган ер майдонлари чегараларини жойида (натурада) белгиласин.

4. Вилоят Туризм ва спорт бош бошқармаси (Ш.Рўзиев), Спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби (А.Хошимов) тегишли лойиха ташкилоти (лойиха муаллифи), вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (Ҳ.Жабборов):

мазкур объектнинг қурилиш-монтаж ишларида қурилиш сифати юзасидан техник, муаллифлик ва давлат назоратини қатъий олиб борилишини;

объектда белгиланган қурилиш-монтаж ишларини тасдиқланган режа-график асосида бажарилишини ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

5. Давлат кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Худойкулов), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Б.Умаров), Самарқанд тумани ҳокимлиги (Н.Мавлонов) билан биргаликда мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини ҳамда туман ер ҳисоботи (баланси)га тегишли ўзгартириш киритилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Қобилов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов